

Шу мақсадда, намунавий фан дастурида Модулнинг баҳолаш усуллари ва мезонлари ишлаб чиқилган ва кўрсатилган. Бу баҳолаш тизимида сўнгги замонавий, яъни умумевропа микёсидаги баҳолаш методлари ва усулларидан фойдаланилади [3].

Жумладан, бўлсак, фаннинг 1-модули ўқиш амалиёти модули бўйича *Қайдлар*, яъни *Log* лар (1-семестр давомида):

- 1 – *Қайд*. Мен нималарни ўқишни ёктираман;
- 2 – *Қайд*. Ҳикоялар ва шъерга танкидий тақриз ёзиш;
- 3 – *Қайд*. Рўзнома ва журналлар мақолалари бўйича танкидий тақриз ёзиш;
- (2-семестр давомида):
- 4 – *Қайд*. Муаллифнинг қисқача таржима ҳоли;
- 5 – *Қайд*. Рўзнома ва журналларда чоп этилган бадиий мақолаларнинг танкидий таҳризи;
- 6 – *Қайд*. Мен ривожлантирган ўқиш кўникмаларининг таҳлилий сарҳисоби.

Фаннинг 2-модули Ёзма нутқ амалиёти модули бўйича талабалардан қуйидаги *Қайдларни/ Entry* ларни топширишлари талаб қилинади (1-семестр).

- 1 – *Қайд*. Норасмий хат ёзиш/ e-mail;
- 2 – *Қайд*. Хатолар устида ишлаш кундалиги;
- 3 – *Қайд*. Таржимаи ҳолнинг қисқа шаклини ёзиш;
- (2-семестр давомида)
- 4 – *Қайд*. Норасмий хат ёзиш;
- 5 – *Қайд*. Ҳикоя ёки эълоннинг қисқача баёни;
- 6 – *Қайд*. Таҳлилий ҳисобот.

Йил давомида талабалар ҳар бир Қайдни (Entry, Log) белгиланган вақт ичида ёзиб топширишлари талаб этилади. Ушбу Қайдларни баҳолашнинг мезонлари ишлаб чиқилган ва татбиқ этилган. Бу Қайдлар талаба-

лар билимини баҳолашнинг Жорий назорат иши сифатида баҳоланади ва тегишли баллар йиғиб борилади.

Жорий намунавий фан дастурида талабалар билимини баҳолаш тизимининг Оралиқ назорат шакллари ҳам кўрсатиб ўтилган. Бу фан бўйича иккита Оралиқ назорат шакли ажратиб кўрсатилган, айнан, ўқиш амалиёти модули бўйича Турли матнларга асосланган тест ва Ёзма нутқ амалиёти модули бўйича Ёзма тест + ўз-ара тақриз бериш ва Хатолар устида ишлаш кундалиги семестрларга ажратилиб кўрсатилган.

Ушбу модуль асосида талабалар билимини баҳолашнинг Якуний назорат шакли ўқиш амалиёти бўйича 3 янги матндан иборат тест ва Ёзма нутқ амалиёти модули бўйича талаба семестр давомида йиғиб келган Портфолиосини белгиланган вақтда топширишлари талаб этилади [3].

Айтиб ўтиш жойизки, талабалар билимини баҳолаш тизимининг бундай шакли, янги инновацион методлар ва топшириқлар асосида тузилганлиги билан ажралиб туради. Сабаби, ҳар бир топшириқ талаба томонидан семестр давомида бажарилади ва тегишли баллар йиғилиб борилади.

Демак, айтишимиз мумкин-ки, бундай баҳолаш турлари объектив ва шаффоф усулларнинг биридир.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг атаб ўтканларидек, талабалар билимини баҳолашнинг янги замонавий ва шаффоф методларидан, усулларида фойдаланиш ва уларни ҳар бир фанга мос этиб ишлаб чиқиш кераклиги зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Ишонаманки, атаб кўрсатилган бундай талабалар билимини баҳолашнинг янги усулларида фойдаланилса, талабалар ўқишдан завқ олишади ва ўқишга бўлган қизиқиши сўнмайди.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тadbирлар тўғрисида»ги қарори. 5 июнь 2018.
2. Иргашева С., Алимова К., Абдураимова Я., Эшонкулова Н. Ўқиш ва ёзиш амалиёти фан дастури. 2016.
3. Ибрагимов Н. Ўқиш ва ёзма нутқ амалиёти ишчи фан дастури (1-курс). 2016.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада инглиз тили чет тили сифатида ўқитиладиган талабаларнинг билимини баҳолашнинг мезонлари ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритилган. Шунингдек, талабалар билимини баҳолашнинг янги ёндашувлари ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждаются вопросы о критерии оценивания английского как иностранного языка, особенно по Чтению и Письму для первых курсов. В статье рассматриваются также новые подходы в оценивании знания студентов.

SUMMARY

In the article the author discusses some ideas and opinions about assessment criteria for EFL as an academic subject, especially in such subjects as Reading and Writing for the first year students. The article reflects some new approaches for assessment of learners' outcomes.

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ИНТЕРФАОЛ ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСЛУБЛАРИ

Ж.О.Балтабаев - катта ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: меҳнат таълими ўқитувчилари, интерфаол усуллар, таълим-тарбия, жараён, тадқиқот методи, ахборот-коммуникация, Блум таксономияси.

Ключевые слова: учитель труда, интерактивные методы, образование, процесс, метод исследования, информационная коммуникация, таксономия Блума.

Key words: teachers of labor, interactive methods, education, process, research method, information communication, Bloom taxonomy.

Олий таълимнинг энг муҳим вазифаларидан бири замонавий ўқув дастурлари асосида юқори савияда натижаларни ўқитиш ва малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш ҳисобланади.

Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши таълим-тарбия жараёнида замонавий таълим технологияларидан фойдаланишни тақозо этади. Шунини алоҳида таъкидлаш жойизки, таълим тизими учун малакали кадрлар тайёрлаш борасида республикамизда катта амалий ишлар қилинмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълим-тарбия жараёнининг «Юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий

ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истикболли вазифаларни илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга» йўналтирилиши алоҳида таъкидлаб ўтилган [1:34]. Ижодкор шахснинг шаклланишини унинг ижодий фаолияти ва ижодий маҳсулотларни яратиш борасидаги ривожланиши сифатида белгиланган мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775 - сонли Қарори ҳамда мазкур

сохаға тегишли бошқа меъерий-хукукий ҳужжатлари асосида меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашда «Меҳнат таълими ўқитиш методикаси» фанидан инновацион илмий-методик ишланмалар тайёрлаш масаласи долзарб ҳисобланади.

Меҳнат таълимга оид юқорида қайд этилган вазифаларни бажариш ва амалга оширишдаги саъй-ҳаракатларга илмий тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари, малака ошириш тизимининг олимлари, амалиётчи ўқитувчилар жалб этилиши мақсадга мувофиқдир. Барча олий, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва умумтаълим мактабларининг меҳнат таълими сифат ва самарадорлигини оширишда замонавий педагогик, инновацион ва ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиқ этиш, илгор иш тажрибаларини оммалаштиришни тақозо этади.

Маълумки дидактика, педагогиканинг бир бўлими бўлиб, таълим тарбиянинг умумий методларини ифодалайди. У предметни ўргатиш, ўрганиш ҳамда таълим мазмунини ташкил қилади. Бундаги учта компонент бир-бири билан узвий алоқада бўлиб, улардан бирортасини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Хўш ишни уларнинг қайси биридан бошлаш зарур?

Ишни ўрганиш ёки ўргатишдан бошласак, табиий равишда нимани (қайси мазмундаги ўқув материални) ўрганмоқчимиз ёки ўргатмоқчимиз, деган савол туғилади.

Ўрганиш ҳам, ўргатиш ҳам, уларнинг охириги натижаси ҳам таълим мазмунига боғлиқ. Ҳар хил мазмундаги матнларни ўзига хос усуллар билан ўзлаштириш таълим оловчи учун ўргатишнинг қандай бўлиши ва унинг мазмунидан келиб чиқади, бу эса ўрганишни ташкил этувчи, яъни ўргатувчига боғлиқ.

Олий таълим тизимидаги ўқитиш жараёни ўқитишнинг шакл ва методларини ташкил қилишнинг кўп қиррали ягона тизими доирасида амалга оширилади, яъни ўқитишнинг шакл ва методлари таснифи ўзаро боғланган ва ўзаро шартланган икки фаолиятга таянади:

- ўқув жараёнини бошқариш ва ташкил этиш бўйича ўқитувчиларнинг фаолияти;
- талабаларнинг ўқув ва билиш фаолияти.

Тарихда таълим-тарбия усуллари жуда кўп бўлиб, бугунга келиб уларнинг ичидан сараланиб, ҳаётийлари сақланиб қолган, уларни икки тоифага ажратиш мумкин.

Биринчи тоифадаги усуллар «Анъанавий усуллар» дейилиб, талабаларга билимларни «етказиб бериш» тамойилига асосланганлар.

Иккинчи тоифадаги усуллар «Интерфаол усуллар» деб аталиб, талабаларнинг билим эгаллашларида «фаоллаштириш» тамойилига суянадилар.

Дарс жараёнига татбиқ этиладиган интерфаол усуллар одатдаги анъанавий усулларга нисбатан маълум бир афзалликларига эга:

- таълим оловчиларда фикрлаш қобилиятини ўстиради;
- таълим оловчи бир вақтнинг ўзида ҳам кўради, ҳам эшитида;
- анъанавий усулларга нисбатан таълим оловчиларга ўргатиладиган материалнинг ҳажми ортади;
- дарснинг самарадорлиги тахминан 1,5-2 марта ортади.

Таълим усулларини таснифлаш борасида бир қанча қарашлар мавжуд. Муаллифлар Савельев М.Г., Новикова Т.А., Костина Н.М. лар барча таълим усулларини талабаларнинг ўқув фаолиятидаги фаоллик даражасига қараб шартли равишда анъанавий ва замонавий турларга бўлади. Анъанавий усулларни, ўз навбатида, репродуктив ва фаол, замонавий усуллар гуруҳини муаммоли кидирув ва интерфаол гуруҳларга бўлади [3:5].

Замонавий таълим тизимининг асосини юқори сифатли ва технологияли муҳит ташкил этади. Унинг яра-

тилиши ва ривожлантирилиши техник жиҳатдан мураккаб, аммо бундай муҳит таълим тизимини такомиллаштиришга, таълимда ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этишга хизмат қилади.

Ахборот ва коммуникация технологияларининг интерфаол дастурий воситаларни яратиш, сақлаш, етказиш, кидириш каби жараёнларни оптималлаштириш имкониятларини юзага келтиради. Ҳозирда таълим муассасаларида электрон шаклда турли педагогик ахборот-таълим ресурслари яратилган, аммо улардан фойдаланишнинг ташкилий асосларини яратиш борасида тадқиқотлар етарли деб бўлмайди [5:72]. Таълим оловчиларнинг замонавий талабларга мос билим олишини таъминлаш мақсадида барча ўқув муассасалари таълим муҳитида инновацион технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, интерфаол машғулотлар ёрдамида ҳар қандай мураккаб ҳодиса ёки жараёни кузатиш имкони бўлмаган тажрибаларни кўрсатиш ва таълим оловчиларга тушунтириш мумкин.

Дарс жараёнида янги билимларни талабаларга етказиш назарий дарснинг дастлабки 20 дақиқасида амалга оширилиши керак. Шундан сўнг интерфаол методларни:

- Баҳс-мунозара;
- кичик гуруҳларда ишлаш;
- лойиҳалаш;
- тадқиқот ва бошқа шу кабиларни амалга ошириб, талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш зарур [2:8].

Тадқиқот методидан фақат талабаларнинг ривожланганлик даражаси мустақил равишда тадқиқот ишларини олиб боришга жавоб бера оладиган бўлгандагина фойдаланилади.

Меҳнат таълими фанлари бўйича дарс ўтишда тадқиқот методи қўлланилиб, савол-топшириқлар машғулотнинг сўнгги босқичида, талабаларнинг кўпчилиги муаммоли ҳал қилиб бўлгандан кейин қўйилади. Бу метод муаммоларни ҳал этишда ўзини ўзи назорат қилиши ва текшириш усули саналади. Ўзлаштириш нисбатан сустроқ бўлган талабаларга уларнинг билимлари даражасидаги топшириқлар берилади. Топшириқлар ҳар бир талабанинг индивидуал имкониятларига қараб тақсимланади. Тадқиқот методидан нафақат янги модель яратишда, балки уни мустаҳкамлаш ва таҳлил қилиш босқичида ҳам фойдаланиш мумкин. Фақат ўқитувчи қўллаш мумкин бўлган усулларни тўғри аниқлаш, мустаҳкамлаш керак бўлган ўқув материал мазмунини тўғри белгилаши лозим.

Замонавий шароитларда самарали техник ечимларни ишлаб чиқиш учун нафақат ахборот ва маълумотлардан, балки фандаги энг янги қарашлардан ҳам фойдаланиш зарурати юзага келади. Ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш ақлий меҳнат сарфининг тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш, янги илмий-техникавий ахборотлар, энг янги маълумотлар билан тезкор танишиб бориш, уларни кидириш ва таҳлил қилишнинг самарали усулларини жорий қилиш, амалга оширилган вазифани бошқа бир изланувчи томонидан қайта бажарилишини бартараф қилиш имконини беради. Шунинг учун талабаларнинг мустақил ишлашларини ташкил қилиш керак. Талабага берилган топшириқни бажариши учун Интернет тизимидан фойдаланиш йўллари кўрсатилади [4:56].

Топшириқ муаммоларини ҳал қилишда одатдаги усул ёзма манбалардан фойдаланиб бажарилганда, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлашни ва жуда кўп вақт сарфлашни талаб этади. Шунинг учун катта ҳажмдаги ахборотларни автоматлаштирилган ўқув ахборот тизимидан фойдаланиб, қайта ишланганда эса илжкорлик фаолияти юқори савияда бўлишига, самарали техника ва технологияларни ишлаб чиқишда қабул қилинадиган техник ечимларнинг тузилмавий ва фао-

лият мезонлари жиҳатидан илмий асосланишига сарфланадиган вақтнинг тежамлилигига эришилади.

Машғулотларни ташкил этишда бу каби усуллардан фойдаланиш талабаларни мустақил изланишга, ижодий қирраларини очишга, ўз устида ишлашга имкон беради. Маълумки, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари таълим тизимида ўқитиш-ўзлаштиришнинг олти даражаси – Блум таксономияси қўлланилади. Интерфаол ўқитиш усулларидан фойдаланишда талабалар Блум таксономиясининг билиш, тушуниш тоифаларини уйда эгалласа, бажариш, таҳлил қилиш, синтезлаш, баҳолаш тоифаларини аудиторияда эгаллайди (1-жадвал).

1-жадвал

Блум таксономияси	
Блум таксономияси тоифалари	Вақти
Билиш. «Меҳнат таълими ўқитиш методикаси» фанининг умумий тушунча ва уларни қўллаш қонун-қоидаларини билиш.	Дарсдан ташқари вақтда
Тушуниш. Англаш, ўз сўзи билан ифода-лаш, формула, схема ва диаграммаларни талқин қила олиш.	
Қўллаш. Билимларни амалиётда қўллаш (масала ёки мисол ечиш, вазиятларни ҳал қилиш, қонун-қоидалардан фойдаланиш).	Дарс давомида
Таҳлил қилиш. Бир бутун тушунча, қонун-қоидаларни қисмларга ажратиш, улар орасидаги ўзаро боғлиқликни ва му	

Адабиётлар

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. //Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Тошкент: «Шарк», 1997, 34-б.
2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. -Т.: ТДПУ, 2003, 174-б.
3. Савельев М.Г., Новикова Т.А., Костина Н.М. Использование активных и интерактивных образовательных технологий. -Ижевск: Удмуртский университет, 2013, -С. 5.
4. Цой М.Н., Джурев Р.Х. Современные технологии совершенствования обучения: Учебно-методическое пособие для учителей. -Т.: УзНИИПН, 2010, -С. 180.
5. Шарипов Ш.С., Арипов М., Бегимкулов У.Ш. Билим олишнинг интеллектуал тизимини ишлаб чиқиш назарияси ва амалиёти. -Тошкент: «Фан», 2011, 72-б.

РЕЗЮМЕ

Маколада олий таълим тизимида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг мустақиллигини, ҳар қандай педагогик вазиятлардан чиқа олиш қобилиятларини ривожлантириш мақсадида фойдаланиладиган таълимнинг замонавий методлари ҳақида сўз қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны современные методы обучения, используемые в системе высшего образования для дальнейшего развития самостоятельности будущих учителей трудового обучения и умения справиться с любой педагогической ситуацией.

SUMMARY

In the article the author describes the modern methods of education used in the higher education system to develop further the independence of future teachers and the ability to cope with any pedagogical situation.

КЛАССТАН ТЫС ЖУМЫСЛАРДА ҮЛКЕ МАТЕРИАЛЛАРЫНАН ПАЙДАЛАНЫҮДЫҢ ТӘЛИМ –ТӘРБИЯЛЫҚ ӘХМИЙЕТИ

Р.А.Баўетдинов - тарийх илимлари кандидаты, доцент

Әжсинияз атындағы НМПИ жанындағы Халық билимлендириүи хызметкерлерин қайта таярлаў хәм олардың қәнигеллигин арттырүи Аймақлық орайы

Таянч сўзлар: синфдан ташқари ишлар, тарих, тарихий манбалар, моддий манба, тарихий хотира, археологик топилмалар, сәхәт дарслари, музей экспонатлари.

Ключевые слова: внеклассная работа, история, исторические источники, материальные источники, историческое воспоминание, археологические находки, уроки- экскурсии, музейные экспонаты.

Key words: extracurricular works, history, historical sources, material sources, historical memory, archaeological findings, excursion classes, museum exhibits.

Өз халқын сүйетуғын, қалбинде Ұатанға мухаббат сезими йош урып турған саламат әуладты кәмалға келтириүде тарийх сабақларының орны гиреўли. Тарийх сабақлары өтмишти үйрениү, улыўмаинсаний кәдириятларды аңлап жетиүде, өз ата-бабаларының жәхән мәдениатына қаншелли дәрежеде үлес қосқанлығын билиүде хәм бул дәстүрлерди даўам еттириүге мүнәсип болыўлары кереклигин сезиниўлери ушын да әҳмийетли. Тарийхый билимлердин хәр бир инсан ушын әҳмийетиниң үлкен екенлигин терең сезинген халда, мәмлекетимизде тарийх пәнин оқытыў мәмлекет сиясаты дәрежесине көтерилди. Улыўма орта билим бериү мектебиниң хәр бир питкерийүшиси улыўма тарийхтын раўажланыў басқышларын,

тийкарғы тарийхый ўақыяларын билиүи менен бирге, бул раўажланыў процесинде өз халқының тутқан орны, қосқан үлесі ҳаққында терең билимге ийе болыўы, олардың өзлигин аңлаўында пайдалы болып табылады.

Тәлим-тәрбия процесиниң мәмлекет хәм жәмийет раўажланыўындағы әҳмийети ҳаққында Президентимиз Ш.М.Мирзиёев «Биринши нәўбетте, жаслардың сана-сезимин, дүнъяқарасын тәлим-тәрбия негизинде қәлиплестириү хәм тәрбиялаў ең әҳмийетли ўазыйпа» - деп атап өткен еди [1].

Билим бериүдин нәтийжелилигине ерисиүде сабақ процесі менен бир қатарда, класстан тыс жумыслардың орны айрықша. Тарийх пәнин үйрениүде үлкетаныў материаллары әҳмийетли орын ийелейди. Тарийхты